84(2=Уз)7
Б43

Карим Баҳриев

Сабр косасининг синиқлари

Шоирнинг илк китоби

Қарим
Баҳриев

САБР КОСАСИНИНГ СИНИҚЛАРИ

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1990

Ўз 2
Б43

Шоирнинг илк китоби

891248

Б $\frac{4702620202-27}{М 352 (04)-90}$ 39—90

© Карим Бахриев
1990 й.

ISBN 5-635-00583-90

ИЛТИЖО

Руҳим, энди шу саҳар тирил,
кўзим, тоза гулларга қара —
улар ҳозир байроқдай қизил,
юрагимдай бағри қон, яра.

Руҳим энди шу тонгда кулла,
ўтиб кетар бошингдаги ғам,
қара,
ўтиб кетмасдан гуллар,
ўтиб кетмай баргдаги шабнам.

Пок елларни туйиб симиргин,
ўтиб кетар дайди шаббода:
кўриб қолгин,
бир қатим ёғду
бир сен учун ўйнар ҳавода.

...Тўхтанг, гуллар, шуълалар, сабо,
учиб битма, баргдаги шабнам,
ўтиб кетар, ахир,
сизларга боқиб
йиғлаётган ана шу одам.

ТИЛСИМЛИ ДУНЕ

Бунда тунлар энг кичик терак
ўсавериб юлдузга етар;
қувончига чидолмай куртак
новдаларда ёрилиб кетар.

Бунда сувлар шилдираб мангу
қучиб ётар тупроқни хушбахт;
бир тонг зангор барг, гул бўлар,
шовуллайди шамолда дарахт.

Бунда бари дилбар ва ширин,
тирикликка тўймай — дил ярим.
Юртдошларнинг қалбига яқин
йўлни излаб ўтар кунларим.

Фақат оқшом, жимирлаб само
хаёлимга қўяди бир ғам:
мен севган шу тилсимли дунё
кирмас сенинг тушларингга ҳам...

ЭВРИЛИШ

Турғун даврга чизги

Бугун азон эмас, уйғотар гимн,
Масжидга киришга **билет керакдир.**
Совутларни қўйдик йўлакка тўшаб,
Куллиётни қозон тагига ёқдик.

Энди ўт тулпорлар югурмас кишнаб,
Отни сўйиб едик, шунақа ишлар.

Жанггоҳларга пахта экиб ташладик,
Музейларга тушди кескир қиличлар.

Кесилиб қоғозга айланди изсиз
Шоирлар сарвқад деб ёзган чинорлар —
Уларга битилди дунёқарашни
Шакллантирувчи илғор шиорлар.

Демак, сиз бекорга турибсиз қўрқиб
Ҳеч ким уйғонмади биз айтган сўздан.
Бугун ўтирибмиз чивинни қўриб,
Энди қўрқмаса ҳам бўлади биздан...

ТАКБИР

Ғамангиз тушдан эзилиб уйғондим.

...Мен қорабайир от эмишман. Туёғимга тиллодан тақа қоқилган, заргарона эгар қошига осилган дубулға яғринимни яралайди. Тош йўлдан тақиллатиб чопаман. Ортимда қирқ кокили судралиб ёш келинчак қувлайди: «Туркистонни еб қўйгансан. Жалолиддин Мангуберди қани?! Ботиримни кимга ташлаб келдинг, жувонмарг тулпор?» Тинимсиз чопаман. Асабий кишнайман. Дарёга ташланаман. Бўғзимгача сув.

Эзилиб уйғондим. Бўғзимгача сув — терга тушибман.

Яхшиямки, тушим экан.

Йўқса, Жалолиддинни қайдан топиб бераман.

Яхшиямки, туш экан бари. Тўшакнинг бир четида аёл юм-юм йиғлайди: «Кечаси ҳам ҳаловат йўқ. Зоопаркми бу уй. Одам ҳам кишнайдими, оллоҳ...»

Яхшиямки, туш экан.

Шукурки, инсон туши учун жавоб бермайди.

Шукурки, инсоннинг туши изчил эмас, яъни у ҳар куни бир хил туш кўрмайди. Агар ҳар куни бир тушни кўрганда, кечаги тушни яна давомидан кўраверганда, тушлар ҳам кундузлар каби азобга айланарди. Агар мен ҳар кеча улкан мамлакатнинг шоҳи бўлганимда ҳам кундузги ишдан келиб уйқуга кетар эканман, бу оқшом яна подшоликни қабул қилиб олиш, юрт бошқариш кераклиги тушни ҳам уқубатга тўлдириб юборарди. Чунки бу дунёнинг азоби ҳам етарлик.

Яхшиямки одам ҳар куни бир хил туш кўрмайди.

Эҳтимол, тушларимиз ҳам ҳаётимизнинг давомидир.

Эҳтимол, ҳаётимизнинг ўзи бир тушдир. Ҳар тонг уйғониб давомини кўрадиган, тунги тушлардан бир оз узунроқ, ўттиз, қирқ ёки эллик йиллик тушдир бизнинг ҳаётимиз...

СОЧИМГА ОҚ ТУШДИ...

Чийрон сочларимнинг илдизи куйди,
Безовта шувуллар. Севгилим, боқ-чи.
Уч тола оқ тушди — қоп-қора юртга,
Хуфиёна кирди уч оқ айғоқчи.
Қоракўз, силагин, тароқ қил қўлинг,
Уйғот, қулоғимга сўзла уйғонч сўз —
Бўлмаса ҳар куни қорасоч элни
Бир-бир йўлдан урар бу учта жосус.
Сочлар қаролигин охир унутар
Ва мангу юмилар сўздоннинг лаби —
Ястаниб ётади оқ-оппоқ бошим
Батамом енгилган мамлакат каби...

ЗАМОНАВИЙ ДАҲО

Чарчадик башорат қилиб бесамар,
Буюк боболарга ҳавасда гоҳо —
Дейлик, бу дунёга келди шу саҳар
Ўша бизлар кутган Машрабдай даҳо.

Осон бўлардими бу буюк зотга,
Шам ёқиб, ғазаллар битгайми ёниқ...
Йўқ, кўмиб ташлардик имзосиз хатга,
Сўнг ўзин ёқарди шам каби аниқ.

У тунлар боқарми фалакка масрур,
То саҳар битарми мустазод, тажнис —
Кутиб турган бўлса уни кун бўйи
Минг бир идорада минг қоғоз, мажлис.

Ёзаверармиди ўтлиғ байтларни,
Дунёга келгайми уйғоқ ашъорлар —
Унинг ҳар сатрига кўзини тикиб
Турганда турфа хил зўр идоралар.

Агар шундан сўнг ҳам даҳо бор бўлса,
Киндигига қадар осилган унвон —
Унвонни кўтармай бўйни эгилган,
Ё бўйин эгганга берилган унвон.

Унинг ўлими ҳам қизиқ бағоят,
Одамлар термулар мурдага ҳайрон —
Бўғзига тиқилар жимлиги учун
Жумҳурият солиб қўйган нон...

УШШОҚ

> Яқинда тонг чоғи тўсатдан ноаён бир дард умримда илк бор тўшакка ётқизди. Сочимдан тирноғимгача сирқирайди, қўл-оёғимда мадор йўқ, фақат тийра кўзларим жовдираб дунёга термулади... Дард-ку бир неча лаҳзада ўтиб кетди. Қалбда бир оғриқ қолди: мени ҳам бу дунёга боғлаб қўймаган экан...

Шамоллар уйғонди. Барг ҳаяжонда,
Ҳатто ер тагида қўзғолди илон.
Дунё тирилаётган шу тоза тонгда
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Ўнгирларда кезар муздай ҳаволар,
Ишқалаб қобогин кўтарар осмон.
Дунё кўзларини очаётганда
Мен кўз юмайинми, онажон?!

Қайдадир силкинар томчидил ўтлар,
Баргида чумоли кезади ҳайрон.
Ҳали мен кўрмаган боғлар бор экан,
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Қизларнинг овози жаранглар мунис,
Ишқ десам дафтарга сачраб кетди қон.
Севмаса — севмабди мени ўша қиз,
Дунёда қиз камми онажон?!

Қаёққа қочади бу иссиқ қоним,
Қўлларни соғинар сочларим ғужғон.
Кимга керак бўлди инжа ёш жоним,
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Бегуноҳ биттадир — у ҳам осмонда,
Қўлга чивин қўнди қувмоққа йўқ жон.
Чивинлар, чумчуқлар юрган жаҳонда
Менга жой йўқмикан, онажон?!

Қуёшга термулдим — кўзим қамашди,
Киприкдан шабнамдай ёш оқди маржон.
Нурларни соғиниб қақшар қовурғам,
Ўлгим келмаяпти, онажон!.

Гарчанд мен қайғули шеърлар тўқидим,
Гарчанд азоб кўрдим мудом бепоён,—
Мен ҳали дунёдан тўйган йўқ эдим
Дунё тўйдимикан мендан, онажон...

ХАЛҚНИНГ БАЙРАМИ

(ёки иккинчи май)

Мана,
тугади ўн икки соатлик байрам,
Фаррошлар қоғозларни йиғади,
деворлардан олинади суратлар кейин.
Шиорларни ўқиб тўлқинланган юрак
Оғрий бошлади яна
секин,
секин.
Мана,
тугади умумий қувонч,
яна кетмон дастасига чўзилар қўлинг,
йўрғалайсан то даланггача.
Шундай
кейинги байрамгача,
шундай
энг сўнгги байрамгача.

МУВАШШАҲ

(ёки гувоҳнома)

Бу саркашни танийсизми сиз?!
Ахир унинг ақли йўқ сира —
Ҳар қадамда турганда «Газ-сув»
Риёзатла Оролни сўрар.
И-я, миллат, тил керак эмиш,
Етти мактаб таҳсили эсиз.
Вужуд — қалқон, бармоги — қилич,
Кўзи чўғни танийсизми сиз?!
А, мен уни озроқ биламан,
Рост, йигирма йил бўлди, холос.
Иштон, кўйлак, шимин кияман,
Мингирлайман қўшиғин бир оз.
Бу қайсарнинг ғайир исмидан
Елдай қочмоқ истаб турибман.
Кун-кеч олтмиш кило жисмини
Ковушимга ортиб юрибман...
Ай, тинимсиз талпиндинг! Қайга?
Бор-ку сенга бир ютум ҳаво,
Оё, шўр бўлса ҳам сув бор-ку,
Қувонсанг бўлмасми, нотавон...

ИНСОННИНГ БАХТИ

(ёки ўлим ҳақида)

Қўзғолон — руҳимнинг қаърида,
Юрагим ёрилар ҳозир нақд.
Сезяпман, бир қадам нарида
Турибди кўз тикиб менга бахт.

Талпинаман, Қайга? Билмайман.
Қуймайман васлига етмасдан.
Югурсам — қувади ортимдан,
Термулар — ҳансираб тўхтасам.

Бир куни дунёни англарман,
Термулиб чарчайди кўзларим.
Мен томон сафарга отланар
Ҳазрати Бахтимнинг Ўзлари.

Қувонч бир юракка каттадир,
Пиёда бормайман ўртада.
Бахт томон кўтариб борадир
Танамни авайлаб тўрт одам...

МЕН ТУҒИЛГАН КУН

Мен туғилдим. Кимдир қувонди.
Кулбасида ғаюр чекди ғам.
Энди юртга тўй бераман деб
Кўкрагини кўтарди отам.

Бойчечаклар чиқди муз ериб,
Эсиб қолди энг тоза сабо.
Худди шундай — на сар, на басар,
Бир кишига кўпайди дунё.

Кўзларимни ҳайратла очдим,
Танидиму севдим оламни.
Қизлари деб ёндим, талошдим.
Бахтни севдим,
Севдим аламни.

Азобига сабрим совутдир,
Қувончини излайман, илло...
Охир мени солгач тобутга,
Бир кишига камайсин дунё...

УРГУТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бир макон бу — Ургут аталмиш,
бошида тоғ, теграси — чипор.
Қорлитоғда мангу яшар қиш,
Қизтепада — абадий баҳор.

Севмай бўлмас ёниб, ҳайқириб,
қучоғин тарк этган кунинг,—
соғинчлари қайтарар тирик,
армонлари ўлдирар унинг.

Гули — алвон, чўққилари — чўнг,
шамоллари топ-тозадир, оҳ.
Бундай юртда яшагандан сўнг
ўтли шеърлар битмаслик гуноҳ...

ТУҒИЛГАН ЕРЛАРИМ, ТУҚҚАН ЭЛЛАРИМ...

Мен шаҳарга шеърлар сўзладим,
Тўполонда толе изладим,
Худди шу пайт тоғлиқ ўлкада
Оёғимни қўмсаб ётибди
тупроқ йўлда қолган изларим.

Бунда кўча титмасман ҳеч вақт,
Саёқликдан ўзни тияман.

Беҳудага ёнмайман,
фақат
дазмолланган шимлар кияман.

Унда базмларда дўстларга
булоқдек тинч, довулдек кўчкин
давра сўзин айтсам ўртаниб,
кулиб турмас ортимдан ҳеч ким.

Унда, кезар дайди шамол, ел,
қабристонда унар лолалар,
тобут тутиб кифти қотган эл,
Йўл чангитиб чопган болалар...

БОҒДА

Ранги ўчган ўриндиққа чўкканча барглари тўкилган намчил новдани томоша қилаяпман. Шу лаҳзада ундан ҳам ёлғиз, ундан ҳам сағир ҳеч нарса йўқдай. Аллақандай қаноти ивиган қора қарға келиб қўнади. Новданинг етимлигига қайғуриб дилдираётган ўйларим қарға учиб келган ёққа учиб кетдилар. Қарғанинг уч юз йил яшаши ростмикин? Чумдугининг дарз кетганига қараганда, шу қарға ҳам икки юз элликларга кирган-дир... Новдасига қарғанаётган қарға қўнган заҳоти дарахтнинг мунғайиши барҳам топди, табиатнинг янги сурати аввалгисидан ўктамроқ эди. Агар шу қарғанинг икки юз элликка киргани рост бўлса, Бобур замонасини кўрмаган эса-да, Машрабнинг ўлимига гувоҳ бўлган бўлиши мумкин. Мен милодий 1978 йилнинг кузида Ғавс ул-Аъзам зиёратгоҳининг боғида чинор новдасига қўнган қарғани томоша қилиб турган пайт билан Қундузда Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан Машраб осиб ўлдирилган 1711 милодий (1123 ҳижрий) йилнинг орасида 267 йил бор. Билъакс шу қарға дорга тортилган

Машраб тепасида қагиллаб чарх урган бўлса, эҳтимол. Эртага бир куни уни ҳайвонот боғига, ўлгач жасадини наботот музейига қўйишар. 1916 йилги Жиззах қўзғолони пайти оқ подшо тўпларининг тутунидан кўзи ачишиб шаҳар деворига туртиниб кетгандир, чумдугидаги дарз шундандир, балким... Шунча таассуротни, тарихни митти жуссасига қандай сигдирди экан, хотира юки эзғилаб қўймадимикан?! Балким, унинг хотираси йўқдир. Балким, у икки юз эллик йил ҳеч қаёққа бормай, шу тоғ орасидаги боғда яшагандир. Балким, бу ёқларга адашиб келиб қолгандир... Эҳтимол, адашиб юрган менинг мана шу хаёлларимдир.

ХАЁЛПАРАСТ УЧУН ДАРС

Руҳим,
хатарлидир бу қурқиш,
ётаверсин уйқуда титроқ.
Орзу-қанотлари учқур қуш,
парвоз қилар тобора тикроқ.

Осон ўтаверар фурсатинг —
орзунинг беминнат карами.
Фақат сен ҳали ҳам
ердаги
икки оёгингга қарама...

ДАНГАЛ ХУЛОСА

Вақт нимадир —
бир дамлик омад,
ё ажалнинг вақтинча раҳми;
бу тилсимни тушуна олмай
ўтиб кетди умрининг ярми.

Вақт кетди, деб чекмагин афсус,
афсус чекиб ажрагайсан нақд.
Вақт нимадир — мана шу шеърни
ўқигунча йўқотганинг — вақт...

ЎЗБЕКИСТОН, АВАЙЛАГИН БОЛАЛАРИНГНИ...

Ўзбекистон,
авайлагин болаларингни,
бошин сила қошу кўзи қораларингни.
Бугун омон қолса,
эртага улар
боғлаб қўяр етмиш йиллик яраларингни,

Ана йиғлаб шу дунёга келди бир гўдак —
бу дунёда яшашга ҳам жасорат керак.
Энди ўчмаса бас журъати, ўти
аёзларда совумасин қони, маслаги —
Ўзбекистон,
болаларингни асрагин.

Ҳали улар
юксакларни кўзлаган қушлар —
ғўза тилган бармоқларин қотирса шамол,
яралари битган қўлга қаламлар ушлаб,
биздан яхши шеърлар ёзиб бергайлар ҳалол...

Тулпор миниб туғидан ўт чиқарган боболарини
унутмайди гул болалар, сафсар болалар,
унутмайди,
элим деган ботирларнинг урҳоларини,
қовургаси ичра асраб ўсар болалар,
қайсар,
қаҳри қаттиқ,

ўжар болалар...
Ҳозирча пайкалга элтгувчи йўлдан
ҳув, этагин судраб ўтар болалар.

ҚАРОР

Энди Ғўсда ҳар бутоқ, ёғоч
дилдирайди ёлғиз, ялонғоч;
сувлар тиниб қолди Ургутда...
Бугун уфққа боқдим ноилож
осмонидан айру бургутдай.

Катта юртсан, биламан, Тошкент,
Энди сенга сигсайдим кошки.
Эсиб қолди еллар жонсарак,
уч фасл мен қалбга буюрдим,
бу ёғи куз —
буюрар юрак.

Ўтиб кетди беларво баҳор
Ҳуснидан маст бемеҳр қиздай —
Ҳамдард йўқдир дунёда куздай —
Томоғимга тиқилди соғинч
видо учун асралган сўздай.

Энди булар юракнинг гапи,
аёл,
боқма бунча мутедай,
жонга тегар ишқнинг ҳам кўпи,
кетдим —
тоғни бир кўриб келай,
новдаларни қуяйин ўпиб.
Асрайверсин,
хонишин,

бедарад
Заъфар куздан юракларини.
Мен кетдим.
Мен бир кўриниш шарт
Ғовс ул Аъзам этакларининг
қуриётган чечакларини...

ХАЗОНРЕЗ

Қип-яланғоч дарахтга қараб
баданингга киради титроқ.
Атроф жимжит,
«уф» тортсанг, етар,
Қўталмаслик учун қаттиқроқ.

Эҳтиёт бўл,
ётар хазонлар,
қулаб ҳаёт тўп-талошида,
шаҳид кетган жўмард ботирнинг
бандаргоҳда ётган бошидай.

Аллақайда қўзғалар исён,
тирилади қасос шукуҳи.
Юз-кўзингга урилар мезон —
жувонмарднинг ўлмаган руҳи.

Кўкрагингда тўлар иштиқом,
яшайверсанг, демак, бўлади,
...Тушаётган қор учқунидан
бўронларнинг ҳиди келади.

2—1286

891248
Библиотека
ТГПИ
им. Низами

ГАРСИА ЛОРКАГА

Бор либосни ечиб ялангоч
дарахтлар титрайди ҳаёда,
ва кузнинг девона ели оч
сўнгги баргин отар ҳавога.

Рашкчи булутлар фалакда
чидолмай кўзини ёшлайди;
уятни унутиб дарахтлар
ёмгирда чўмила бошлайди...

ОҚСАРОЙ

Шаҳрисабз.
Оқсарой...
Кекса момолар
қариб,
умр адоги бўлганда зоҳир,
қалдироқ товуши ногоҳ ҳаволаб
айтарлар
уларга икки дунё бир.

Элнинг бурч-бурчида хаста овоза
яшар
қаро кунга асралган ўчдай...
Мана, салтанатдан қолган дарвоза
мунгаяр
қаноти ивиган қушдай.

Шу сарой қошида
тўзиган
қатор
жаҳонгирдан фатво олган қўшинлар

қанча элатларни қилдилар абгор
бехос пичанзорга тушган яшиндай.

Чексиз музофотнинг турфа ерида
Палак ёзган ғийбат, оқсаган миш-миш
шу равоққа етмай йитгандир тамом
бамисоли оловга йўлиққан қамиш.

«Оқсарой устида чиқмасин булут,
Илойим, кенг бўлсин амирнинг феъли»,
деб тақдирин кутиб тилаган тўп-тўп
бегона юртларнинг сардори, эли.

Улкан қароргоҳга ҳар бир мўминни
келтирган ё ажал,
ё нурли иқбол.
Бари ўтди...
Мана, уч-тўртта сайёҳ
сурат тушаяпти қўрқмай, бемалол.

Зарбоф тўп илинжи унга шеър битиб
кун кўрган шоирлар йитганича йўқ...
Чўкаётган қабр саройнинг учган,
тўкилган четига тушяпти ёруғ.

Ҳали ҳам тик турса кўҳна Оқсарой,
битар толедаги қанча кемтиклар,
бу улкан бинога тикилган одам
чўккан руҳларини улармн тиклаб.

Сокинман,
Нафасим ютаман ичга,
Қаттиқроқ йўталсанг — тупроқдан кўчкин.
Осмонга термулиб улаётган қушга
ёрдам беролмайди нахотки ҳеч ким...

ҚУРИҚХОНАДА

Сим деворнинг қошида туриб
қалқиб кетди кўзларимдан ёш;
мана шу боғ,
мавжудот,
гиёҳ
ҳозир жуда мададга муҳтож.

Бугун йитди йиртқич бўрилар,
йўлбарсларнинг тақдиди — хаёл..
Бу ёнда — мен,
у ёнда —
ана,
жониворлар юрар бемалол.

Лол турибман —
қаршимда тўсиқ,
мумкин эмас ўтмоқ шу симдан.
... Қўлларимга боқдим уялиб,
нафратланиб кетдим ўзимдан.

ТОШТАРОШ

Ҳар тонг Киото тарафдан чиқадиган қуёш Шинжон ва Қандаҳор устидан ўтиб Мағрибга йўл олар экан, ўзининг сим-сим нурларини Туркистоннинг баланд-баланд тоғлари, ясси-ясси кенгликлари, қақроқ саҳролари-ю, шовуллаган боғлари қатори тигдор чўққилар пойидаги шу мўъжазгина қишлоқдан, шу жумладан, қабристон ёнидаги тоштарошнинг ҳовлисидан ҳам аямайди. Ҳа, чексиз оламнинг бир чеккасидаги шу қишлоқ тепасида ҳам ҳар саҳар қуёш чиқади, ўзига шукур (қуёшнинг).

Тоштарошнинг қишлоқ мозорига туташ, деворлари нураб бораётган лойшувоқ ҳовлиси бу тоғ қишлоғини

дунё билан боғлаб турадиган ягона йўлнинг четида бўлгани учун қишлоқдан чиқаётган ёки келаётган ҳар бир йўловчининг назари албатта тупроқ устида шошиб юрганларнинг сўнгги манзили — мозоротга ва шу маконнинг ягона қоровули, боғбони ва гўркови бўлмиш тоштарошнинг кунгай бетдаги ҳовлисига тушади.

Унинг ўткинчилар билан иши йўқ, қишлоқда қазо бўлса, тонг саҳардан гўр қазишга тушади, тушликдан кейин эса тош тарошлайди. Бу жудаям майда, заҳматталаб иш — кунига бир, нари борса икки тошни текислайди, буюртма тушса, марҳумнинг исм-шарифини тиғ билан ўйиб ёзади. Тўқмоқни чўқморга солган пайти учиб кетган тошчалар тиззасига сачрайди, гоҳо билагини тилиб ўтади, чилпиллаб чиққан терни қотма бармоқлари билан сидирар экан, кафтидаги кукун юқи пешонасида сомон йўлидай из қолдиради. Унинг на бу изга, на қараб кетаётган йўловчиларга ва на бу дунёга иши бор, аллақайда халқ қўзғолиб, мустақилликка эришгани ҳақида гапираётган радионинг жаврашн ҳам қулоғига кирмайди, тошни тинимсиз тарошлайверади.

Қабртошларга талаб бор — каттагина қишлоқда деярли ҳар куни кимдир қазо қилади. Айниқса, қишнинг охирларида ўлим кўпаяди, тош тайёрлаб улгурмайди. Ёзда бир оз нафас ростлайди. Ясаган қабртошларига эга топилишига ишонганидан олдиндан тайёрлаб қўяверади. Энди исм-шарифи ёзиладиган марҳум бўлса кифоя.

Ўнгагидаги терни сидириб, ивиган бармоқларини шўрлаган этагига суртади-да, яна ишини давом эттираверади. Менинг термулиб турганимни ҳам сезмайди.

У чуқур қазиб мурдаларни кўмаверганидан мозорот ҳам улкан қишлоққа айланган. Қатор-қатор қабрлар ёнидан навбатдаги гўрни кавлаб, чуқурдан чиққан илиқ тупроқни сиқимлаб ҳидлаётганини кўрганимда, у менга ўта нуроний, бу машғулотини кўп замонлар, минг йиллар аввал бошлагандай, бу кетишда қишлоқнинг ҳамма одамини кўмиб тугатадигандай туюлади.

Ёнма-ён териб қўйилган бети силлиқ уч-тўрт қабртошига термуламан. Думпайган қабрига бу тошлар қўйиладиган одамлар ҳали тирик. У ҳали ҳеч нарсадан бехабар, ер босиб юргандир. Балким гул ҳидлаб ўтиргандир, ухлаётган — бир ҳовуч сувни туш кўраётгандир. Ёки бозорга бораётган, ҳозиргина йўлдан ўтаётиб ўзининг қабрига тош йўнаётган манови устага қараб кулиб кетаётгандир... Эҳтимол, шу фикрларни ўйлаётган кишининг — менинг қабртошимдир бу эгасиз тош.

Бир-бирига оғаларча суяниб турган тошларга боқиб, томоғимга нимадир тиқилади: биламан, одамлар шу тошлар тайёрлиги учун ўлмайди. Лекин не учун бу тошлар айбдордай елкама-елка мингашади...

Тоштарош навбатдаги тошни олиб текислай бошлади. Токио тарафдан чиққан қуёш Кобулнинг тепасидан аллақачон ўтган, қишлоқнинг кунботар томонидаги бешикчининг томи устидан Новгородга томон кетаётган эди. Дунёда на Токио, на Новгород борлигидан бехабар бир ўзбек тоштароши яна бир қишлоқдошининг қабри учун тош йўнмоқда.

ҚАБРТОШГА ЁЗУВЛАР

I

Яна баҳорлар келар.
Жамбил иси ҳавони
Симиради кўк савсан.
Қари толнинг товонин
Қитиқлайди ён майса.
Гуллар босар дунёни...
Сен уринингдан турмайсан —
Минг афсуски, ўлгансан,
Минг афсуски, кўрмайсан.

II

Яна баҳорлар келар.
Тушар оғир куйлаклар,
Дилга қутқу тўлади —
Кимнингдир шод кулгуси
Боғни нурга белади.
Сен севган ойдай дилбар
Бегонага кулади —
Сен ўрнингдан турмайсан...
Яхшиямки, ўлгансан,
Яхшиямки, кўрмайсан.

ДАФН

Мана
Кеча
Унга узатилмаган қўллар
жасадига чўзилди бугун.

У япроқдай титраб
ҳар оқшом кутган қоғозга
ажалининг хабарин битяпмиз тонгда
бармоқлар титраб.

Тортиниб бетига айтилмаган яхши сўзлар
энди айтилар,
тортинмай айтилган сўзлардан ўлганнинг
қабри устида.

Сағана узра тебранар қизил гуллар
кечикиб келган,
кечикканидан қизарган
уятчан гуллар.

* * *

Илк қор босган хазонни кечиб
боғ кезардим,
хаёлларим нек,—
бир қиз келар
шу ёруғ кеча
юпун шохга осилган ойдек.

Билмам, сайди ким ишқий шикорда,
кўзим, бу пок ҳусини ичгин,—
тушларига кирмаган ҳеч ким,
покизадир мана шу қордай.

Ой ҳам чўкди қароқларига,
алланени шивирлар лаби.
Севсам сўнгги япроқлар каби
қулармидим оёқларига.

Севсам... Ўтди. Боқмай. Бегона.
Телба қилма шеърни ёруғ шаб.
Кузги боғда турибман тикка
Мунғайган чўнг чинорга ўхшаб...

АМИРҚУЛ ПУЛКАН

Қалб қўримни аямай
куйлайвердим, ёш эдим.
Эрмакка ёзганим йўқ,
куйиб-ёниб яшадим.

Қолдирмадим,
симирдим
қувонч, ғамнинг жомини.
Сотиб яшамадим ҳеч
боболарим номини.

Балким, яшашар узоқ.
Ўртанмасдан,
куймасдан?!
Кетиб боряпман, мана,
бу дунёга тўймасдан...

Бу дилбар тирикликни
мендан кўра қаттиқроқ
севиб юрасиз, дея
сизга ташлаб борар чоғ.

Хавотирим — шеърият —
бир уй дилни яралар:
кетсам, менга шеър битиб,
куи кўрманглар жўралар...

ТИЛАК

Мусаффо ҳаво, деб сўзладинг —
Оғзингни очгин.
Дорисиз тупроқ, деб ёзяпсан —
Илойим.
Қошки.
Одамлар бахтиёр экан-ку!
Айт, улар кулсин.
Озод Ватаним, деб куйлайсан —
Айтганинг келсин...

ТЎСАТДАН—

Тарсиллаб ёрилар куртак.
қизарар уятдан шафтоли гули,
қарсиллаб чақилар момогулдурак,
жарликлар хўрсинар бехос қайғули.

Гувиллаб саҳрода кезар эпкинлар,
чакиллаб сув келар асрий қорлардан,
сопол хумларидан чиқажак жинлар,
девлар ёпирилиб чиқар ғорлардан.

Эртаклардан чиқар қанотли отлар,
кулларни титкилаб китоблар чиқар,
беланчакка сиғмас гўдаклар туғар
ойдан-да, кундан-да ҳур паризодлар.

Кўр кўзлар очилар — қамашар нурдан,
гунгларнинг оғзидан тушар сақичлар,
қулфин дарвозалар очилар бирдан,
музей деворидан қулар қиличлар...

Воҳ, охир тугайди минг йилдан буён
нафасини ютган ернинг жимлиги,
куртаклар ёрилган шу тонг, ногоҳон
халқимнинг ёдига тушар кимлиги.

ВОЛТЕР

«Фалсафадан конспектлар» туркумидан

Албатта, сиз ҳақсиз ҳаммадан.
Илоҳининг борлиги — ёлғон.
Буни англаб етган лаҳзадан
Бўшаб қолди тепада осмон.

Сиз биласиз ҳаммасини, ҳа,
Мен бағриқон кўҳна сўроқдан:
«Худо йўқдир, лекин бир зумда
Дунё пайдо бўлган қаёқдан?»

Айтаяпсиз: молекула, атом,
Ҳужайралар, қон, энергия...
Ҳаммасини биласиз, айтинг —
Бу ақлни сизга ким берган?!

СИНО

«Фалсафадан конспектлар» туркумидан

Яшил-яшил баргларга боқдим —
Кўзларимга хазон кўринди.
Метиндевор шаҳарга боқдим —
Ул ҳам бир кун вайрон кўринди.

Боқдим сумбул-сумбул толларга —
Тобут бўлар бир он, кўринди.
Боқдим шодмон юрган элларга —
Ич-ичида армон кўринди.

Одам танин англаб улгурдим,
Аммо дили уммон кўринди.
Тирикликдан шартта юз бурдим —
Шунда ўлим осон кўринди.

ЯССАВИЙ

«Фалсафадан конспектлар» туркумидан

Озодлик нимадир — у қувонч эмас.
Агар шодлик бўлса сен кўрган дамлар —
Демак, ростлаяпти ғаниминг нафас,
Наҳотки чарчамиш ғаюр одамлар.

Озодлик нимадир — қадим ер узра
Таралиб турибди ҳали овозинг
Ва лекин тепада тўхтовсиз титраб,
Чайқалар минг йиллик кўҳна тарози.

Озодлик нимадир — тирикман, дея
Беҳуда севиндинг. Бор бўлса жонинг —
Бу сени яратган унутди, демак,
Эсидан чиқибсан, демак, худонинг...

ПАСКАЛ

«Фалсафадан конспектлар» туркумидан

Осмон — ернинг дўпписи тубсиз,
Мангуликда тун — бир дақиқа.
Сиз ёр ила бахтли турибсиз,
Мен ўйларман ўлим ҳақида.

Толтобутни эсламайсиз ҳам,
Ўйламасанг, йўқ каби ажал.
Мен биламан — ғилофида ҳам
Хатарлидир, кескирдир ханжар.

Жаннатдасиз, сиз учун ўлим
Айиради сафоли бахтдан.

Мен дунёдан кетаман кулиб,
Кетаётган каби дўзахдан.

Сўнгги йўлни ёдламай хушбахт
Дилингизда на ғам, на титроқ.
Мен ўлимни ўйлаган сари
Ҳаётимни севдим қаттиқроқ...

ЗУЛФИ МОМО

Қарс-қурс синди шишадай музлар,
Шитир-шитир чечаклар унди.
Яна қушлар учар ер узра,
Зулфи момо
Сиз йўқсиз энди.

Қалдирғочлар қайтдилар бир-бир,
Чорбоғимиз бўлди шуълакон.
Мусичалар қайтди-ку, ахир,
Қайтмайсизми энди, моможон.

Юлдуз тўла кечалар само,
Яна офтоб куйдирар кундуз.
Ўша фалак, ўшандай дунё —
Кўролмайсиз уни сиз, афсус.

Онам йиғлаб тортади қатим,
Отам мен деб хўрсинар чуқур...
Сиз айтгандай одам бўлмадим,
Бу ҳолимни кўрмайсиз, шукур.

ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДА ШЕЪР

Қиз ўйнар.
Кеманинг елканларидек
унинг этагидан бўронлар қўпар.
Ўйнар —
кўйлагининг шабадасида
қулаб кетмасайди бу қадим шаҳар.

Оҳанги титрайди ўтлуғ қўшиқнинг,
Шош — Қўқон йўлига арава тушди.
Қовурғам остида бедор ошиқнинг
қафасга урилиб қонайди мушти...

Мана, оғриётган юракни тутдим,
сезяпман,
келяпти оқ-ойдин шеърлар.
Елкам,
кўзларимга урилиб синар
бир менга аталган ғанимат нурлар.

Раққоса рақсга тушяпти.
Гўё
қаҳқаҳа уради бир шода ўрик.
Нега йиғламайман,
нега кулмайман,
нега куйламайин шу қизни кўриб?!

Одамзод ўзини англаса шояд
севолса соф, сулув аёлларини,
қувиб юборарми эди
бошидан
турфа қилвир,
фосиқ хаёлларини.

Дунёдан нолима,
бағрим,
нафас ол,
эсяпти бир дамлик покиза шамол.
Ана,
Шоҳмашрабнинг афғонларига
силкиниб ўйнайди сен севган аёл.

У ўйнар,
минг йиллар наридан келган,
ўйнар
оҳу каби ҳуркак, омонат;
шу соғлом чеҳрага муносибмисан
қандай яшаяпсан,
шоири бебахт?!

Қўрқаман,
тутмаса унинг уволи,
сўнг излаб юрмасак йиллар, замонлар..
ўйнар,
чўнг кеманинг елканларидек
қизнинг этагидан қўпар бўронлар.

УЙҒОНЧ

Ситамгар шом. Қора самонинг
юзларини ювар пок сувлар.
Шул эгасиз, чексиз дунёнинг
бир четида бўрилар увлар.

Шул эгасиз, чексиз дунёнинг
бир четида уйғоқман, борман —
бу кеча дам дилхунман, жоним,
яширмайман, мен сизга зорман.

Бу кеча ҳам бўрилар увлар,
чирилдоқлар чирқиллар бир-бир.
Қурбақани сувилон қувлар —
юваверар дунёни ёмғир.

Ғамангиз шом. Дарахт шохлари
Ой нурида сутдай йўғрилар.
Бундай тунда уйғоқдир фақат
Ё шоирлар ва ё ўғрилар.

Бораяпман яланғ, лой кечиб,
Сизга зорман, қоши қийғочим.
Юлдузларга боқдим дилпарчин,
Ой нурида қуриди ёшим.

Қоп-қаро шом. Биламан, гулим,
Бу йўлларда бевақт юрмайсиз.
Келмагайсиз, майли, айтинг-чи,
Тушларимга нега кирмайсиз?!.

РАҚҚОСА

I

Ўйнар Лондон, Париж саройларида,
каптар қанотидек силкинар қўллар
зубаржад либослар яшира олмас
титроғи исёнкор кўкракларини.
Бошин қуйи солар бир туп фаранглар —
ҳаяжондан асраб юракларини.

Самарқанд, Фарғона саҳнасида завқ,
Қарсакдан гувилар саройнинг ичи.
Қийқирар оқшомги шаробнинг кучи...

У ўйлар — зал ичра бир йигит бордир,
У ўйнар силкиниб шу йигит учун...

Хонасидан чиқмас қолган вақтлари,
Кўпдир қўлин нуқиб, йўл кўрсатгувчи.
Уйида кечаги концерт гуллари,
Япон елпиғичи, ҳинду сақичи.

Раққоса, оламда бор, бир йигит бор,
излагани шеъру топгани озор,
қувончи қўшиғу ҳасрати наво —
У сени саҳнага кўрмайди раво
Биламан, унинг бу ўйлари хато
Сени қизғанади ўзидан ҳатто.

Шу қадар гўзалсан, тоза, яктосан,
Ўйнагин, чарх уриб, тошқиндай шан, шўх,
Сенга лойиқ йигит бу дунёда йўқ...
Шу учун дунёдан ёлғиз ўтасан.

II

Сен рақсга тушдинг. Гўё тонг саҳар
силкина бошлади инжабел ўтлар.
Гўёки лопиллаб фалакка чиқар
кўлга сув ичгани тушган булутлар.
Олам кулиб кетар, мен билдим,
билдим...
Сен рақсга тушдинг. Мен терга
тушдим.
Намчил булутлардан ёғди ёмғирлар.
Сўнг гулдай кўкардинг. Елкалар
учди.
Бармоқлар барг каби шитирлаб
титрар.

Юрак тўлиб кетар, мен билдим,
билдим...
Сен рақсга тушсанг — парқанот
қушсан,
Бахт қуши. Нурларинг кўмди
оламни
Мен эса йиғладим бу кеча эзгин
силкиб қуш қўнмаган озғин
елкамни...
Одам ўтиб кетар, мен билдим,
билдим...

АЁЛ

Ана, ўйнаб еладп аёл,
мен томонга келади аёл.

Этаклари ҳилпирар — байроқ —
ерни нурга белади аёл.

Бу бахтиёр тунлар сўнгида
тўлин ойдек тўлади аёл.

Дунёдан ҳам, мендан ҳам рози,
қиқир-қиқир кулади аёл...

Ҳар не ўтса, ўзимдан ўтди,—
ҳаммасини билади аёл.

Ҳали паноҳ бўла олмаган
қўлларимни силади аёл.

Эшиккача шивирлаб чиқди,
ёруғ кунлар тилади аёл.

Ўзим сендан кетаётирман,
энди нима бўлади аёл?!

... Мана, ёниб битаётирман,
бир балони билади аёл.

Кўзим куяр... Қулоқларимга
қиқир-қиқир кулади аёл.

УЗР

Майлими, ой чиққан шу ойдин кеча
нафас олаверсам ютуниб, хурсанд,
майлими, дунёнинг битта бурчида
мен ҳам васлингизни қўмсаб ўтирсам.

Кеча сиз ўтганда ҳарир кўйлакда
эргашган шамолнинг боши айланиб
телбадек увиллар ҳануз йўлакда.
Мен ҳам шу йўлакда юрсам майлими?

Майлими, соғинсам ва тошса кўнглим,
йиғласам майлими, майлими кулсам?
Ўкситмайманмикин сизни, севгилим,
агар мен шу кеча бехосдан ўлсам...

МУҲАББАТ МАРСИЯСИ

Нега кулай десам, сизиб чиқар ёш,
Нега оҳ чекканда, сачраб кетар қон.
Ахир, топганим йўқ, Сизни, қаламқош,
Йўқотганим ҳам йўқ, демак, ҳеч қачон.

Сиз ўзга кулбага бўлганда меҳмон,
Фалак ёмғир қуйгач дувиллаб, бирдан,
Қонсираб кўчани кезганим — ёлғон,
Кўйлагим ивиди шунчаки тердан.

Йўқ, севган эмасман сизни, чилвирсоч,
Фақат бир нарсага бўламан ҳайрон —
Нега кулай десам, сизиб чиқар ёш,
Нега оҳ чекканда, сачраб кетар қон...

ТАВАККАЛ

Учмоққа шай севги қушининг
Қаноти қайрилар тезгина —
Мен сизни севаман, тушунинг,
Мен сизни севаман, қизгина.

Баҳорлар келади, кетади —
Мен қайтиб келмайман, сезгин-а,
Фиғоним фалакни тутади:
Мен сизни севаман, қизгина.

Бу кеча ҳам кечар, оқарар,
Сўзласам, юз ишва, юз гина —
Кечирмоқ мумкиндир ошиқни,
Ошиқман, севаман, қизгина.

Ой нури шувиллаб чақилар,
Дилимдан шубҳани қуваман.
Жуда кўп сўзладим, на қилай —
Мен сизни севаман, севаман...

И. Р.га

I

Излардим, ҳансираб, чопиб келдим-ку,
Лекин охир сени топиб келдим-ку.
Муаззам ҳасратлар ортимда қолди,
Ишқим дафтарини ёпиб келдим-ку.
Рост, шунча яшаб сени топибман,
Аёғинг изини ўпиб келдим-ку.

II

Илоҳим, интизордурман — гулим қани,
Ломакондан сўрдим чўзиб қўлим: қани?
Мунглиғ шеърлар ёзиб шамнинг ёруғида,
Ичим шамдай ёниб битди, кулим қани?
Ранжу алам тугамади ёр келса ҳам,
Аён, ўлсам қутулғаймен — ўлим қани?!.

III

Ишқингдан озурдадил хазин садо асрагай,
Лабзингда ўлсам, шеърлар тутгай азо, асрагай.
Мунис кечалар мени тонгга еткурди умид,
Исмингни шивирладим мисли дуо — асрагай.
Равзаи тош шаҳрингдан ўтиб кетиб борамаи,
Асролмадим сени мен, энди худо асрагай...

ГЎЁКИ ҲАЗИЛ

Ҳамма хотинларнинг исми одмидир,
Ҳамма ўйнашларнинг исми муҳташам.
Ҳамма хотинларнинг иши — ош, кир-чир.
Ҳамма ўйнашларнинг иши — базм, ҳашам.

Хотинлар асрайди очлик, совуқдан,
Ўйнашлар кўнглингни кўтарар, гизлар.
Хотинлардан қолар қатор болалар,
Ўйнашлардан эса... шунақа шеърлар.

ТАҚҚОСЛАР

Сизнинг келишингизни эшитганда
отиш ҳукми бекор қилинган
маҳбусдай қувонаман,
рост.

Бошқалар учрашганда
тилло топган қашшоқдек
бахтиёрдир,
биламан.

Биз учрашгач
оғир аравага қўшилган отлар мисол
ҳорғинмиз,
нега?

Сиз кетдингиз,
тўшакда ётибман
сувга чўкиб кетган одамнинг
қирғоқда қолдирган кийими каби
эгасиз.

Оқлов қоғозини йўқотган
маҳбусдай
маҳкум.

* * *

Дунё кенг.
Ҳув йўлнинг кунгай бетида
қўшни болаларни қошига йиғиб
достон айтар мўйсафид бир чол.
«Турналар негадир қайтмаётир...» деб
уфққа боқиб сўради хаёл.
Ҳаводек қўлига шикорга чиқиб
парига йўлиққан Авазхон каби
олисларда юрган ўғлини эслаб
кекса Гўрўғлидек қимтинар лаби.
Ой ҳам йитар Ғуснинг тоғига ботиб.
Кампир палак тикар «ёруғлик кунга»,
ориқ қўллар билан ип-қатим тортиб —
бир орзу асрайди дилида ширин,
қишлоқнинг бўй етган гўзалларига
гоҳо ошкор боқиб,
гоҳо яширин...
Дунё — кенг,
жуда кенг, ота, онажон.
Сайёҳми, сайёдми, саёқми, кимман —
орзуингизни кўмдим кўнгил қаърига.
... Бунда икки дунё рози бир аёл
Ўғлингизни осди ўз сочларига.

ИШҚИНГ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

I

Гулим,
сиғиняпман,
қилгин худолик,
бағринг жаннатини очгин бандангга;
лаблар олмасини тишлай ютоқиб,
бошимни қўяйин кўксинг — каъбангга.

Агар гуноҳларим кўп бўлса шунча,
қисматим бўлса шу қиёмат — қойим,
кўзлар дўзахига ташлагин,
қўрқма,
ёқиб боравер,
гулим,
худойим...

II

Энди тун чўкканда қадим дунёга,
совуқ тўшакларга ҳарорат қалаб,
чашминг оловига исиниб, хушбахт,
ҳусну жамолингга камолат тилаб,
ақиқ лабларингга бежаб бўсалар,
чилвир сочларингни тонггача силаб,
тунни адо қилар бахтли... ўшалар.

III

Кеча тугаётир.
Қайғурма,
гулим,
қалқитма киприкда титраган ёшни,
бас, мағрур кўтариб кетайлик бошни.
Мен ҳам сўкмайин шу тонгни, севгилим,
сен ҳам қарғамагин қуёшни...

ОҚ ШЕЪР

Севгилим мен қаёқларда адашиб юрдим,
Чўмилгим келмоқда сочларингнинг қаро тўлқинларида,
киприкларинг юрагимга қадалаётир.
Бу пайт нега яна бошим эгилди,
инсоннинг ўзига жазоси — хотир.

Бугун сени топиб келгунча охир
чорак аср қаёқларда юрдим адашиб —
ўйлай десам, идроким оғрир.
Худонинг меҳри йўқ, бўлса осмонда
менинг насибамни Ургутга боғлаб
сени яратибди Янгиқўрғонда.
Севгилим, энди бу нигоҳга дош бериш оғир,
бу кўзларга қийин чидамоқ.
Билмадим, шунча йил қандоқ яшадим
Бу дилбар чиройнинг баҳридан йироқ?!
Наҳот яшадим?!
Ҳайрон бўлиб термуляпсан,
ўзни оқламоққа нима ҳам дердим.
Мен вақтга қалбимнинг қўрини,
кўзларимнинг нурини бердим.
Воҳ,
иқрор учун энди кеч,
ҳожат йўқ, дейсанми, изҳорга, сўзга.
Наҳот бу малоҳат менга ёт энди,
бу соғлом чеҳранинг эгаси ўзга.
Кечирдингми, оҳ, раҳмдилсан,
сен-ку, кечирасан,
мен ўзимни қандоқ кечирай?!
Севгилим, мен қаёқларга адашиб юрдим.

ГУЛШАНАНИНГ ТАВАЛЛУДИГА

Мен — бир қайсар одам —
ишонмай қўйдим
тақдир пешонамга ёзуғлиқ хатга.
Лекин сиғинмоққа тайёрман бугун
сизни яратгани учун
қисматга.

Заминда одам кўп,
чалкаш кўча кўп,
инсон кириб кетмас қайси бир изга.
Бизни бир манзилда юзлаштирган шу
йўлнинг гардларини суртайин кўзга.

Дунёда турфа хил толе бор аён,
тақдирдош бўлмасин қуёш бўрига.
Гулим,
сизни бугун яратибдилар
кимнингдир бахтига,
кимнинг шўрига...

БОШҚАЛАРГА НАСИҲАТ

Ёринг раҳмсиз бўлса,
сабоқ олгин бардошдан,
ёзу қишга бепарво
йўл узра ётган тошдан.

Айрилсанг, айрилибсан —
қувонавер бу бахтдан,
ўрган бахт йўқотса ҳам
тикка турган дарахтдан.

Ўзгага кетса, кетар,
Сира куйма, йиғлама.
Ўзимми?
мени қўйгин,
Мен нодонга қарама...

КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ БИЗГА...

Она кучаниб пешонадаги терни артади: одам туғилди.

Момо кампирнинг қўлидаги гўдак чирқираб йиғлайди — олам нуридан кўзи қамашади, нотаниш дунёдан, қўрқади, онанинг ботинига қайтиб кириб кетгиси келади.

Одам ёлғиз дунёга келади.

Одам яшашга маҳкумдир.

Гўрков пешонасидаги терни сидиради: одам ўлди.

Одамнинг ўлгиси келмайди. Агар у ўзини ботирликка солса, ишонманг. Шарқнинг мутафаккирлари саройда шоҳ ҳақида гапирмагандай ўлим ҳақида кўп сўзламайдилар, зеро олам ажалнинг саройидир. Мағрибнинг нуқтодон донишлари ўлим ҳақида кўп фикрлайдилар, ўзларини ажалолди жасурликка ҳозирлайдилар — бу сўзамоллик ва тайёргарликлар ҳам ўлимнинг Улкан ҳодиса эканидан далолатдир.

Одам ўлимга маҳкумдир.

Одам дунёдан ёлғиз кетади. Ҳеч ким бировнинг ўрнига ўлиб бермайди.

Шу мулоҳазаларни ўйлар эканман, аллақайда бошқа бир дунё бордай, кимдир бизни битта-битта бу дунёга юбориб, яна битта-битта қайтариб олаётгандай туюлади.

Қайда ўша рост дунё?

Ким экан у — соҳибқудрат?

У Буюк тажрибачи машғулотини қачон бошлаган? Қачон тугатади?

Чархи кажрафтор айланар экан, ул тажриба қилувчи мени нега айнан шу замонга, айнан шу йилларга, айнан шу ерга ва айнан шу одамлар орасига раво кўрди?

Ўзимдан сўрамай айнан шу замонда бор қилган Зот ҳеч бўлмаса, кетар чоғимда сўрармикан, хабардор қилармикан...

ИҚРОР

Бас, бугун ўзимни алдаб не қилдим,
йўқ, шеърлар сололмас шодликни бошга,
Улар кўнгил учун пок алдов, холос —
дунёда бахт йўқдирераслингдан
бошқа.

Висол — муқаддас кун.
Жонгинам,
тинмай
мусаллас тутмагин сархуш йўлдошга.
Мени маст қилмоққа қодир,
сероташ
шароби талх йўқдир чашмингдан бошқа.

Бежиз қувонмасин бадният ғаним,
У мамнун боқолмас қабримда тошга.
Бағрингда ўлмасман.
Ошиғинг учун
қазои ҳақ йўқдир ҳажрингдан бошқа...

ФИРОҚ ТУНИ

Фироқ туни сен — йироқ юлдуз —
Хотирамдан боқасан бесўз.
Шу қафасни бугун синдир, буз —
Қучоғимни тўлдира қолгин.

Ёшлик — хушбахт кун ёнди, етар,
Агёр шунча қувонди, етар.
Бир бор бахтга ишонтир, етар —
Кулдир мени, кулдира қолгин.

Куя-куя ой бўлди адош,
Қалбда умид кўтармоқда бош.
Саховатга топмасанг илож —
Майли ўлдир, ўлдира қолгин...

БАЛОҒАТНИНГ ОСТОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

Деразангни чертади ёмгир,
шивирлайди тинмай то саҳар.
Сенинг ёлғиз ҳамроҳинг — ёстиқ,
суюк жазманларинг — кўрпалар.

Ел ўйнайди пардани тортиб,
ётогингга кирмоқ — шоҳ ният.
Сен эса, оқ тўшакка ботиб,
оппоқ тушлар кўрасан фақат.

Тонг отади.
Бир қучоқ ёғду
тор хонага кирар югуриб.
Кўкрагингни тўлдирган туйғу
тўшаклардан олар суғуриб.

Ташқарига чиқарсан, дилбар,
ошиқ дунё шод чиройинга.
Орзуига етишган барглар
хазон бўлиб тушар пойингга...

О Ш И Қ О Н А

Энди навбаҳорнинг шамоли — дайди —
чилвир сочларингни ўйнаб қочар шод.
Ишқингда тун бўйи кўтариб фарёд,
остона ортида ёмгир тинмайди.

Энди ҳуснинг ортар яна минг бора,
оппоқ кўкрагингда — кўклам ҳавоси.
Бундай малоҳатнинг топмай қиёсин
ёниб кетмасинми шоир бечора?!

Армон йўқ лойиқ сўз битмоқдан ўзга,
бу қадар латифлик оламда якто.
Агар шу чироқ ҳам қилмаса вафо,
Имкон йўқ кўз юмиб кетмоқдан ўзга...

ЎТИНЧ

Яна кўкда ғолиб баҳор қуёши,
уйқусин тарк этди пурвиқор тоғлар.
Нозик майсалардан меҳр сўроқлар
булоқ — қупи битган қишнинг кўз ёши.

Қадим боғлар аро — жажжи навбаҳор,
ёмғир савалайди адир сабзасин.
Чақмоқ ҳам айириб булут пардасин
кўпчиган заминга боқади хуштор.

Бугун кўҳна дунё нақадар сўлим!
Сен ҳам гиналарни унутгин, дилдор.
Ҳаётни етаклаб келганда баҳор
айру яшамоқлик — гуноҳ-ку, гулим...

СИЗНИНГ БАҲОРИНГИЗ

Юртга ёшлигини қайтарган кўклам
сизнинг чеккангизга тақди ғунчалар.
Айтинг, шундоқ гўзал бўларми одам,
ҳамроҳин ёққайми, айтинг шунчалар.

Лоладан ранг олган лабларингиздан
гулшанга таралар қўшиқларингиз.
Дунё аямабди борини сиздан
энди куйиб ўлар ошиқларингиз...

* * *

Боғларга боқарсан маъюс,
кўзларингда ўт ёнар, дилбар,
этагингга эргашади куз,
оёғингга йиқилар барглар.

Барг ҳолига ўксинма, гулим,
кузги япроқ — нақадар майин.
Йиғласанг ҳам, боқсанг ҳам кулиб,
улар эрта тўкилар тайни.

Қаро сочинг тортқилашиб, шўх,
рашким қўзғар дайди ел — кучкин.
Аввал менга боққил, раҳми йўқ,
мендек сени севолмас ҳеч ким!

БАҲОРНИНГ ШЕЪРИ

Энди тунлар энг кичик терак
қўл узатиб юлдузга етар
ва севинчга чидолмай куртак
новдаларда ёрилиб кетар.

Энди ўтлар дилбар чиройда
безар юртнинг дала-қирини;
ажабмаским, сув тошган сойда
айтиб қўйса тош ҳам сирини.

Энди кунлар бошланар ўзга,
ғамларини унутар олам.
Энди бўғзим тўлдириб сўзга
шод қўшиқлар айтарман мен ҳам...

УМРИМ —

тонг елидай омонат нафас,
қиличнинг тигидан сачраган учқун,
ўлимдан олинган қисматлик қарз,
йигирма уч мингу икки юз уч кун...
Куним — кипригимдан томаётган ёш,
юрагим — чирсиллаб синаётган тош.
Шу тошга бошимни уриб, бешикдан —
токи тобутгача қилурман бардош.

* * *

Кетавергин,
Ортингдан ўксиб
эргашади кунларим дилбар.
Кўзларингга юлдузлар чўксин,
оёгингга йиқилсин барглар.

Кетавергин,
кечадай қаро,
кундек ёруғ қош, қароқларни
ардоқласин садоқат, меҳри
мендан кўра яхшироқларнинг.

Кетавергин,
ўша шаҳрингга,
Йиглама, арт кўз ёшларини.
Мен ўзимга тилайман энди
Тогларимни бардошларини.

* * *

Қўшиқ айтар дилбар, шивирлаб,
Қўшиқ айтар менга севгилим:
«Муҳаббат бу — дунёдек кўҳна,
Муҳаббат бу — қуёшдек қадим».

Қарогингда кўрдим қуёшлар,
Сен бор — ёруғ кеча кундузим.
Асло қадим эмассан, дилбар,
Сени бугун кашф этдим ўзим...

ОРЗУ

(халқ йўлида)

Ҳув тоғлардан сой келар,
Сой бўйида қайрағоч.
Сой бўйидаги дилбар,
Шўх сойга ювдингми соч?!

Сувлар бўйингни тутса,
Мавжига чўмилайин,
Агар сени унутсам,
Қаърига кўмилайин.

Қанийди мен сув бўлсам,
Оқиб кетсам йироққа.
Сўнг булут парқу бўлсам,
Қор бўлиб ёғсам тоққа.

Эриб қуёш тафтида
Сой бўлсам шўх, беармон.
Она-Ернинг кафтида
Оқиб етсам сен томон.

Мен туғанмас ениингда
Бир умр оқиб турсам.
Сув истаб чиққанингда
Ҳуснингга боқиб турсам.

* * *

Кузакнинг шўх, дайди еллари,
Йўлакларда эзилган хазон.
Кўчаётган турналар — бари
Ёдга солди сени беомон.

Энди қалбда тошар бир тўфон,
Етим каби мажруҳ сўзларим.
Ёт чеҳрага тикилар ҳайрон,
Сени излаб топмас кўзларим.

Суратимни ташлаб қочар жон
Бегонанинг қучоқларидан.
Энди юрак тополмас омон
Муҳаббатнинг пичоқларидан...

САВОЛЛАР

Боғларга қор ёғди, музлар кўмилди,
Йўлда биз қолдирган излар кўмилди,
Қалбда айтилмаган сўзлар кўмилди.
Қалб кечарми дала-тузлар кўмилгач?
Ё ёнгайми токи кўзлар кўмилгач?

Бир кун найсон етиб қорлар эригай,
Муз қотган булоқнинг кўзи ёригай.

Майсалар бошидан туман аригай,
Турналар келтирса юртга баҳорни,
Тақдир яна дучор қилгайми ёрни?

Майли, хуршид етсин тоғнинг қошига,
Баҳор етаверсин боғнинг қошига,
Ёр келмасин бағри доғнинг қошига.
Энди ёндирмасми хуш дамларимни?!
Шодмон кулдирмасми душманларимни?!

* * *

Хотиралар — ёлғиз юпанчим —
Сиз гоҳида нечоғ бешафқат.
Тушларимга кирмагин, севгим,
Йиғламагин, олис муҳаббат.

Кўпирмагин, томиримда қон,
Бечора қалб, талпинмагин, бас.
Янгиликмас дунёда ҳижрон
Айрилмоқ ҳам кашфиёт эмас.

Сўқмоқларинг кўп кездим, очун,
Катта йўлинг топдим-ку, ҳаст.
Қолиб кетган гуноҳлар учун
Хотиралар жазодир, наҳот?

Дилбар, сен ҳам соф кўзлар билан
Бунча ҳайрон боқма шу оқшом,
Бағрингга ол, қутқаргин мени
Хотиралар ўлдирмай тамом.

кулаcан
мени қучоқлаб.
Ана шовуллайди дарахт ҳам хушбахт,
бизнинг севгимизни тушунар боғлар.
«Севамиз...» — сокин шу қўшиғимизни
илиб кетган еллар энтикар,
кулар.
Жонгинам,
қайғурма,
фосиқлар каби
ётга сиримизни сотмаслар улар.
Муҳаббат қадрини билмарми ҳеч ҳам
юраги тош қотган,
фикри нохушлар.
Ана ку-кулади бир жуфт мусича,
фитналар уйғонса кўксингни муштлаб,
Бир исён бағрингда етилса, дариғ,
фитналар уйғонса кўксингми муштлаб,
кетма —
мен чидарман бу ғамга балким,
лекин чидолмайди бечора қушлар.

Кетма,
раҳминг келсин боғларга,
гулим...

* * *

Яшнаётган гулим, гулшаним,
Соф кўзингда дунёлар яшар.
Лабларингда жилмаяр бахтим,
Сенга фақат кулмоқ ярашар.

Қувончларга яратган сени,
Юракларга солгин деб титроқ.
Майли, ғамлар қулатсин мени,
Сенга зарра тегмасин бироқ.

Беҳишт эмас — бойлигим — умрим,
Лекин тилар тилагим ҳақдир.
Қароғингда муҳаббат кўрдим,
Қўлларингда — муқаррар тақдир.

Қаршингдаман — қувониб, тўлиб,
толган қалбга илҳом солгин, бас.
Яшар бўлсанг ёнимда, гулим,
Қайғулар ҳам қўрқинчли эмас...

* * *

Нуроний тарихни титганда гоҳ-гоҳ,
Идрокимга титроқ солади сирлар.
Юртга ёт келганда, дастида яроғ,
Дуч келар,
Шоҳлармас,
Мудом ботирлар.

Интиқом сўнгида етганда зафар,
Балким фано топар марди сарбаланд.
Ғалаба майини сипқорар беклар
Ботирнинг хушқомат беваси билан.

Адолатинг қани, эй кекса дунё.
Хиёнатдан хунман, кўз ёшига ғарқ.
...Майли ўтаверсин шоҳлар бебақо,
Сен унутмасанг бас, омон қолган халқ.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Мен ҳам шу дунёга келдим кўз очиб,
Кўрдим — номард кетар мардидан қочиб.
Тангрим, дейман, қалбим билан талошиб,
Шу байтул-аҳзонда яратдинг нечун?

Золим эгаллабди давра тўрини,
Қуйларга шоҳ қилиб қўйдинг бўрини.
Касу нокас ейди бир-бирини,
Иккисин бир онда яратдинг нечун?

Тулкига кулибди бу ажаб замон,
Йўлбарснинг панжида қуёнлар омон.
Тангрим, ғазабланма қилсам мен исён,
Йўқ эса жаҳонда яратдинг нечун?!

РАҲМДИЛ

(Бир мунаққидга)

У жилмайиб одам ўлдирар,
суйиб қўяр бирам беозор.
Йўқ, бу ўлим эмас — садоқат,
мўминликнинг иқрори, холос.

Оғу берар бошингни силаб,
қазо вақти чекмасин дер дард.
Сўнгги йўлга узатар кулиб,
қотилликмас, йўқ, бу — саховат.

Оҳ, унинг юз, кўзлари маъсум,
ажал эмас,
бу — оташ майдир,
гоч ўласан —

боз тирик қолиб
унга озор бергинг келмайди.
У — мард.
Сўнгигача қилар ишини,
қабринг узра зўр нутқ сўзлайди,
гул ҳам экар ерни титкилаб.

... Фақат ўжар гуллар унмайди.

ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ МАЖЛИСИДАН СЎНГ...

Қараманг ва қарғаманг, қарға,
Йўқми ўзи сиздан ҳеч қарзим?
Уч юз ёшга кирганмисиз, ҳа,
Гулханийни кўрган чиқарсиз.

Мусичахон, бунча оро, зеб,
Майса ўтлар кимнинг қасдида?—
«Бизга соя солаяпти», деб
Хатлар ёзсин дарахт устидан.

Эҳ, ассалом, ҳурматли чумчуқ,
Зерикмадингизми дунёдан, дўстим.
Нега бизнинг магазинда йўқ
Сизникидай табиий пўстин...

* * *

Серёғду кун кечар — ёнаман,
Қоронғу тун кечар — ёнаман.

Ёнаман — куз етиб келганда,
Ёнаман — дўст алдаб кетганда.

Ер ёниб қучганда — ёнаман,
Ер тониб кечганда — ёнаман.

Ёнаман — кечади дамларим,
Ёнаман — ёқаман ғамларим.

Ачинмасман ўй, ҳавасларга,
Ачинаман ёнолмасларга...

* * *

Бўрилар, қон тўлган кўзингиз тикиб,
шернинг боласига бақрайманг ҳайрон;
тилка-пора қилинг, ғажиб, энтикиб,
қора қалбингизга бу ҳам бир дармон.

Сиз, олчоқ тулкилар, тозилар очкўз,
ёвузга хушомад қилинг яхшироқ;
шер боласин ёрсин — у ҳали ожиз,
аждодлар шонини унутмас бироқ.

У ҳали кучсиздир, митти, чалажон,
гарчанд эгмас сизга мағрур сарини.
Бугун емасангиз, эрта кўрасиз
шербаччанинг шердек қилиқларини...

ДИАЛЕКТИКА

Қоронғудан қўрқадиган одам ётганда ҳам чироқ ёқиб қўяди.

Чироқни шамол ўчирган заҳоти, қоронғулик чопиб келади. Яна гугурт чақиб ёқиб қўйсангиз, зулумот икки қадам қочади.

Одамнинг ҳаёти ҳам ана шу чироққа мензагулликдир. Қоронғуликда ёниб турган чироқдай дунё во-

дийсида ё-н-и-и-и-б ётади инсон. Яна неча дақиқага, неча кунга, неча йилга етаркин чироқнинг ёғи, пилиги?!

Ўлим ҳақида гапирсанг, шу заҳоти ўлимнинг ўзи ҳам етиб келгандай, шу яқин-атрофда қараб тургандай туюлади.

Ажал талвасаси — ўргимчаккана тўри кабидир. Қурбон ўзини қанча кўп у ён-бу ён ташласа, шунча қаттиқ ўралаверади, чиқиб кетолмайди. Тирикликни чўзиш — нафас ютиб ўлимни кутмоқдир.

Балким, учиб бораётган ўқдир умр, тезликни тўхтатган заҳоти тугар.

Ким билсин...

* * *

Майли суратимга боққину қувон,
Лекин сийратимга ташлама назар.

(А. Орипов)

Кўзларингда илоҳий ўтлар,
Сазовори дўзах этма, ёр.
Боқишларнинг ханжари билан
Дил қатини титмагил зинҳор.

Бугун сенга келгунча етиб,
Йигирма йил тентидим жаҳон.
Тақдир, озғин қўлимдан тутиб,
Минг кўчада айлади сарсон.

Қароғингга дучор бўлгунча
Минг кўлмакнинг лойига ботдим.
Сочинг ҳидлаб тўймадим, ғунчам,
Минг тиконнинг заҳрини тортдим.

Бозор каби турфа бу олам,
Аралашдир яхши-ёмони.

Бир инсондек яшадим, эркам,
Ўтолмадим четлаб хатони.

Умр йўли узун ва серчоҳ,
Содиқ йўлдош бунда нечоғ кам.
Омад кетса — кетар дўст, ҳамроҳ,
Омад кулса — кулар қизлар ҳам.

Йўллар аро кетмадим қолиб,
Ўтганлардан сўрама, жонон.
Мана, кулиб турибман ғолиб,
Суратимга боққину қувон.

ЎН ОЛТИ ЁШ

Сен ётибсан — тўшагинг оппоқ,
туш кўрасан — тушинг ҳам оқдир.
Кўзинг очиб бу оламга боқ,
наҳот, сенинг шафқатинг йўқдир.

Сен ётибсан — сочларинг учин
шамол ўйнар йўлдошин излаб.
Ошиқларин ўлдирмоқ учун
бу дунёга келарми қизлар?!

Сен ётибсан — кўзларинг беркдир,
Ёноқларинг энтикар, кулар;
лабларин оч, тилларга эрк бер —
эзгу сўзни айтсинлар улар...

Сен ётибсан — тўшагинг оппоқ...

ҚАДИМГИ ҚЎШИҚ

«Муҳаббат — бу яшил дарахт,
биз барглармиз... Хўп... Майли...
Тўкилади япроқлару
лекин шохлар синмайди...
Хайр...» дединг.
Кўмилди ишқ
туғилмоққа улгурмай...
Йироқ ҳовли.
Узун-узун
нола чекар қўшсурнай.

Жаранг кулгу, кунбахт қўшиқ,
Қўни-қўшни шодумон —
улар кулмай нима қилсин,
текин бўлса дастурхон.

Кириб келдим, мана, мен ҳам,
қўшиқларим сойдайин.
Суйиб-суйиб... ётга бердим.
Кутиб-кутиб айтайин.

Мен куйлайман — қўшиқларим
чиқар қалбнинг тоқидан —
ўспириннинг ушалмаган
орзулари ҳақида...

Кетдим, етар, ёниб бўлдим,
кўпирма, бас, қалб қони.
Чироғи йўқ уйга етиб
ахтараман арқонни.

Қуйқўтонга бошим суқиб —
озод насим — пок насим —

оқ қўчқорни бўшатаман —
у ҳам эркин яшасин...

Мана ип ҳам топилди... Хўш...
Мана дарахт. Хўп... Майли...
Япроқлари тўкилару
шохлар кучли — синмайди...

ҚИЗ БОЛАНИНГ ҚЎШИҒИ

Субҳидамда боғ саралаб ким ўтди,
ҳуштак чалган елми — туннинг эртаги.
Чап кўксимда нимадир дук-дук этди...
Вой ўлмасам,
шоир зоти — тентаг-ей.

Тош кўзгуга боқдим —
сийнам тўлишиб
кундан-кунга кўйлагим чок қурама.
Энди ҳар кеч тушларимда сут сўраб
тамшанган соғ чақалоқни кўраман.

Ким не деса, десин,
чиқдим югуриб,
қасам ичма,
шеър ўқима шу фурсат.
Елғон бўлса — бас, доғингда куймайин,
Рост бўлса бахт — дийдорини бир кўрсат.

Хавотирда тўрт тарафга боқма зиқ,
бундай бахтни агёр фақат туш кўрсин.
Бевафолик қилсанг бир кун,
водариғ,
қарғишим шу: урса сени, ишқ урсин!

СЎРОВ

Қумсаб тургандирсан ишқнинг гаштини,
Кезиб чиқдингми ё жунун даштини.
Мендек саҳройининг букма шаштини —
Субҳи шом сўрайман сендан, эй бебош.

Юкуниб турибман қошингда — осий,
Ё излаб кетайми лутфинг қиёсин.
Бир йигит умрими ҳуснинг баҳоси —
Бир оқшом сўрайми сендан, қорақош...

Қисмат судраб келди қошингга токи,
Кўксим ёқаётир кўркинг фироқи.
Ошиқ атайсанми, мухлисми ёки —
Рост калом сўрайман сендан, ўтқарош...

Бугун кулиб турган чоги дунёнинг
Кел, ҳаётим бўлсин садқан жонинг.
Йўқса қаҳри келар еру самонинг —
Ишқий жом сўрайман сендан, бағри тош...

I. ОҚ ШОМ

Кеч. Дунёни тун босди совуқ
Ташқарида эса оққан қор.
Менинг эса хаёлим ёруғ —
Уйда баҳор. Уйда аёл бор.
Дилим тигли нурларга тўлган
Шу бахтиёр, шу телбавор тун
Аёл, менга яна не бўлди?!
Титраяпман. Бўлаяпман хун.
Қайда юрдим йигирма беш йил?!
Кўзи ханжар, қошлари камон —
Сен — ойнинг нуридай тозасан,
Мени ёққан шубҳалар ёлгон.

Кечир мени, булоқдай кўчкин
Росту ёлгон сўзларим учун,
Бу норасо дунёга боқиб
Хира бўлган кўзларим учун.
Шу гуноҳкор қорачуқлар-ла
Соф чеҳрангга термулдим ҳайрон,
Воҳ, бўгзимга тиқилди жоним,
«Жоним», деб юбордим ногоҳон.
Мана, гулдай очилиб кетдинг.
Гулхан тафти урилди юзга.
Шу биргина томоқни йиртиб
Ташқарига отилган сўздан.
Мен тепангда чўккалаб тушдим
Бошим қўйган оқ кўксинг — қибла
Қулаяпман... Танамга кўчди
Киндигингда қўпган зилзила.
Терлар оқди. Ҳўл бўлди бадан
Сувга ботди титраб ич-этим.
Чўкаётган кўҳна кемадай
Чайқалади иссиқ вужудим.
Бу тунгача не кунни кўрдим?
Қулаяпман. Мени суягин.
Қучоқлайман. То саҳаргача
Қисир-қисир синар суягим.
Тонг отди. Эҳ, ойдин тонг отди.
Бу кечадан наҳот соғ қолдим?!
Бу кеча бир лаҳзадай ўтди,
Нега ўсиб кетди соқолим?!.

II. ОҚШОМ

Шамол турди,
Барг учди хиёл.
Яна ботди уфқига қуёш,
Яна тушдинг ёдимга аёл,
Кўзларимни куйдирмоқда ёш.

Гарчанд йўқсан ёнимда, дилбар,
Чиқаверар ҳар саҳар қуёш.
Ҳали кўпдир умримда кунлар,
Ҳали кўпдир кўзларимда ёш...

СЕВГИ ЙЎЛЛАРИДА...

Ҳамма унга кўз тикар беор,
У ҳеч кимга боқмайди, магрур.
Кўзи қора, юзи шуълакор,
Ўзи тоза — бамисоли нур.

Қамиш каби шовуллаётган
Сочларига қўл теккан эмас.
У гул каби бўй сочиб ётган
Тўшагига ҳўл теккан эмас.

Дилидадир муқаддас сўзи,
Кокилини ўйнар шаббода.
Шундай гўзал,
Шундай покиза...
Қиз бормикан ўзи дунёда.

ТОПИШМОҚ

Мактуб битдим саҳар ўртанган пайтим,
Унда тунлар чеккан ноламни айтдим.
Айтдим ҳажр деганнинг бесаслигини,
Зинҳор бу умрнинг қайтмаслигини...
Зинҳор қолганини айтмайман, чунки —
Ахир, муҳаббат бу — икки дил мулки.
Мана бу шеърни-чи ўқишлари мумкин.

ДОСТОНДАН СЎНГ...

Гарчи офтоб чиқар ҳали ҳар саҳар,
Гарчи безайверар баҳор дунёни —
Бугун Боботоғдан қолмади асар,
У ердан топилмиш тошкўмир кони.

Гарчанд муҳаббат бу — минг йиллик хониш,
Гарчанд айриликдан ҳамма дилпарчин —
Ҳарбий хизмат учун кетди Алпомиш,
Пахтага эгилиб чўкди Ойбарчин.

Майли, кўнглимизнинг бир чети чўғли,
Майли, гоҳ мозийни эсланг энтикиб —
Офтобга исиниб турар Гўрўғли
Пенсия пулига кўзини тикиб...

ШЕЪР ИЗЛАЁТИБ...

Бу ватаннинг эгаси кимдир?
Кимникидир бу улуғвор тоғ,
Қуйидаги зангори ўтлоқ,
Баргида чумоли юрган отқулоқ...?
Осуда йўл бўйлаб бораркан,
Томоққа тиқилар бир тўда сўроқ.

Мен — хотирин елкамга ёпинган одам
Орзуни дўппидай бошга кийгайман.
Бугун лойшанг йўлдан кетаётганда
Шарқдаги ярим тун тахтини ташлаб,
Элнинг аҳволини билмоққа чиққан
Гадо қиёфали шоҳга ўхшайман.

Агар шундай бўлса, саройда не гап?
Балки бундаймасдир... Мен бугун
Бирор бир баҳона топишим керак.
Бўлмаса лойшанг йўлдан кетаётганда
Ёрилиб кетиши мумкиндир юрак...

УШБУ ШЕЪРНИ ЎҚИГАНЛАРГА

Сиз шу шеърни ўқиётган пайт
(Ё мен уни ёзаётган дам)
Аллақайда букилди бир қад,
Тобут тутиб эгилди одам.

Сиз шу шеърни ўқир маҳали
(Ё мен уни ёзган ёз куни)
Араванинг тагида қолиб
Бузилди бир чумоли ини.

Сиз шу шеърни ўқиётган он
(Ё мен уни ёзган шу фурсат)
Хиёбонда илк бор баргидан
Айрилгандир ям-яшил дарахт.

Гўзал дунё ҳайратга арзир,
Гўзал эди у барг ҳам жуда.
Демак, кулманг, демак, мен ҳозир
Йиғламаяпман, ахир, беҳуда...

НАЧОРА...

Энди кунчиқардан чиққан қуёш йўқ,
Вале кунни кутган қоши қийғоч йўқ.

Офтоб — соя каби, совуқдир нур ҳам,
Дилда омонликдан қатра қувонч йўқ.

Сув шўрдир, ҳаво — дуд, заҳардир тупроқ,
Бош бору ёрай деб ургувчи тош йўқ.

Диллар озурдадир, тил ҳам бегона,
Дард кўпдир, сиғмоққа сабру бардош йўқ.

Бу ғам сўнгсиз — минг йил йиғласанг арзир,
Йиғламоқ истаймиз, кўзларда ёш йўқ...

УЙҒОНИШ

Дунё яна баҳорга етди,
Фазоларга булут исёни.
Чақмоқлар ҳам аёвсиз йиртиб,
Парча-парча қилар самони.

Энди бўлмас хонада ётиб,
Кўчаларга отаман ўзни.
Орзу қўймас юракка ботиб,
Ўтли сўзлар ёқар бўғизни.

Ваҳшат солиб ўкрар қалдироқ,
Титроқ билан сесканган боғдир.
Қувончига чидолмай ногоҳ
Шаррос қуйиб юборар ёмғир.

Шаршарада чўмилар дарахт,
Ялангоч тан сув ичра қолар.
Йўловчида саросима, шахд,
Гавдасини панага олар.

Кетолмайди боғ, кўча, адир,
Денгиз — боғнинг оқ танларида.
Бу ёмғирда чўмилганларнинг
Яра чиқмас баданларига...

СЎНГИ АВТОПОРТРЕТ

Сукунатнинг қароргоҳига
келтирурлар совуқ вужудни;
бир вақт ёниб яшаган таним
қучоқлайди асрий сукутни.

Мен дунёга келганда йиглаб
кулиб қарши олган одамлар
бугун ерга узатар чогда
ўкраб-ўкраб юборар гамдан.

Кўзлар ётар — кўриб тўймаган,
эзгу сўзни айтмаган — тилим...
Оқшом келар рост сўзлаб илк бор
тиригимда келмас севгилим.

Гарчанд ўкинч алами тахир,
бир кун маъюс унутар санам,—
кулиб юрсин тириклар, ахир —
муроди шул марҳумларнинг ҳам.

Бош устимда йиғлар аллаким,
шивирлайди огриниб, эзиб.
Айтганимни шамолга бердим,
Ёзганларим юрар юрт кезиб.

Оҳ, биламан дафтарим ярим,
Юрагимда қолар бир кўчкин —
Сиз — ёзолмаган шеърларим —
Энди шуни ёзмайди ҳеч ким.

Мен ҳам кетдим — юрагим зада,
Сизга исм излайман — кимсиз?!
Сиз яшайсиз мангу азада,
Ёзилмаган шеърлар — етимсиз.

БИР ОЗ УЗУН БЎЛДИ УМРИМ ШЕКИЛЛИ

Бир оз узун бўлди умрим, шекилли,
Эҳтимол, дўстлар ҳам толиқди бир оз...

Мени едирмоқдан чарчади дунё,
        сувлари чарчади, нони чарчади.
Мени кездирмоқдан безди йўллари,
        кўзимга боқмоқдан осмон чарчади.
Истаганлар истаб чарчади,
Бадгумон ёмонлаб чарчади —
        бир оз узун бўлди умрим, шекилли.

Йўллар оёғимнинг остидан қочар,
Дейдилар, туш бошқа,
                бунақа бўлмас,
Шоир иштаҳаси бунақа бўлмас,
        дўстлар ҳам айрича боқар юзимга.
Қанчалар дўстим бор,
                шаҳар тўладир.
Кўпининг қалбида қадар тўладир,
Ошнодан,
        қардошдан,
                ўзгадан ўксиб,
Бахтидан, ўзидан, кўзгудан ўксиб,
        кўпи йиғламоққа баҳона излар.
Оз қолди, оз қолди, чиданг, дегайман,
        дўстлар чиданг, мен кетажак кун етар.
Ҳеч нарсага кучим етмаса-да,
        қора кийим кийдирмоққа,
        дўстларни йиғлатмоққа кучим етар.
Лекин қурбим етмас, не қилай ахир,
        не қилай ахир мен бечора —
        кучим етмас бу дунёдан кетмоққа.

Бу дунё Дарбанд қалъаси,
На йўли бор, на йўлкаси,
Қардошим, отам боласи,
кучим етмас бу дунёдан кетмоққа.

Яшил-яшил майсалари
чирмашар қўл-оёғимга,
Ранглар булутлари босар бошимдан,
Сойлари сув олар кўзим ёшидан,
игна-ла гўр қаза-қаза,
тиззам-ла ер кеза-кеза
Ўтдим бу умримнинг ўттиз ёшидан —
кучим етмас бу дунёдан кетмоққа.

Кетимдан оғиз бурганлар,
Шоирларнинг эҳсонини еганлар,
«Шоир одам ёш ўлади», деганлар,
Менинг шоир бўлмоққа кучим етмас,
Ўлдир мени, ўлмоққа кучим етмас —
кучим етмас бу дунёдан кетмоққа...

ЧИҚАР

Қўлга қалам олган онда
Сатрларим қорайганда,
Куйлагимга сизган қондай
Қайғулар вароққа чиқар.

Жепимда сўзлар сиқилар,
Ортар, устма-уст йиғилар.
Юз қушиқ чўкар, буғилар,
Бир қушиқ қирғоққа чиқар.

Куйган кўп шоир сўзидан,
Ўлган йўқ шоир кўзидан.
Шеърнинг астари юзидан
Қиммат, қимматроққа чиқар...

ЗЕРИКАР

Бу қандайин чарчоқдир,
Ахир, бундоқ ким зерикар?!
Чўнтакда қўлим зерикар,
Оғзимда тилим зерикар.

Зерикар, қошим-қавоғим,
Зерикар, кўрпам-тўшагим.
Уйга келсам, уй-эшигим,
Йўл кетсам, йўлим зерикар.

Йўлимга қизлар чиқсалар,
Кулиб юзимга боқсалар.
Ёқамга бир гул тақсалар,
Ёқамда гулим зерикар.

Қайга отай бу кадарни?
Ҳисоби йўқ, йўқ катори,
Биламан, йўлимга боқиб
Қайдадир ўлим зерикар...

ҚОРА КИЙГАН АЁЛ

Кишилар бир бўлмас, отам боласи,
қўрқоғи бор,
марди бор.
Аммо ҳар кишининг ўлгандан сўнгра
қабри узра йиғлагувчи

Бир қора кийинган гўзал аёлдан
умиди бор.

Сен ўлганда
ким бўлади кўзларингни боғлаган?
Дўстингми бўлади?
Ётми бўлади?
Бу дунёда балки сен деб энг кўп йиғлаган
Сен энг кўп йиғлатган хотин бўлади.

Кўз ёшлари ювар қабртошингни,
Қабрингда тўлғониб
дейсан, илоҳим,
Йиллар бўйи мен йиғлатган бу аёл
қайда яна асрагандир
бу қадар кўз ёшини?!
Бирор марта
на сочини силадим,
на кўз-ёшин артдим.
Қорачиғимга ботар энди
сочининг ҳар толаси.
Йиллар бўйи
Бу аёлга ахир мен дард бермишам,
Нега энди яна чекар дардимни?!
Бу аёл қабртошимни
ўпиб силагунча,
Мушти билан урса, урса яхши эди.
Қабримнинг устида йиғлаб ётгунча
Қарғаб турса яхши эди.

Кет, кета қол, қора кийган аёл,
Йиғингни тўхтата қол, қора кийган аёл,
Бу қабр ҳам минг қабрнинг биридир,
қабртоши, етар, босдинг бағрингга.
Барча мен деб йиғлаганлар тинчиди,
қуйгин, қабрим ичига томар, йиғлама...

ФАҚАТ СЕНИНГ ЮЗИНГ КУЛСИН

Менинг юзим кулган эмас,
Фақат сенинг юзинг кулсин.
Мени кўрса, «амаки» деб
Ўғлинг кулсин, қизинг кулсин.

Мен-ку, сенга ярашмадим,
Сўз демадим, талошмадим.
Юлдузимиз ёнишмади,
Қўй, ёниб юлдузинг кулсин.

Юз йил қайғурма, қарима,
Бир саҳар чиқиб йўлима
Туз сепсанг эски ярама,
Ярам кулсин, тузинг кулсин...

ЯНА ИЛТИЖО

Руҳим, энди шу тонгда қўзғол,
кўзим, тоза дунёга қара —
олам ҳозир қон каби қизил,
аламимдай афғони яра.

Кўзим, тоза гулларга қара
шу ғанимат, омонат чоғда —
ҳилпирайди қип-қизил гуллар
муассаса узра байроқдай.

Ухлаётган дунёдай карахт
вайрон бўлиб, нолиб ўтирма;

шу покиза гулларга қара
уйғонганлар юлиб улгурмай.

Очилинглар, эй, гуллар, сара,
термуляпман сизга ботинмай.
Булбул, сен ҳам бошимда сайра,
Юрагимнинг товуши тинмай...

ЭРТАЧИ ХОТИРАЛАР

«Йўқолган кундалик»дан

Ўзи қишлоқда ўсган дўстимнинг шаҳарда туғилган ўғилчаси қишлоққа бобосини кўргани эргашиб борди. Товуқни кўриб: «Вой, буларнинг чумчуқларининг катталигини!»— деб юборди. Кейин дукур-дукурни эшитиб, кўчага чопиб чиқди. Дарвоза томондан унинг қувониб қичқиргани эшитиларди: «Ана, от. Тирик от! Юриб кетяпти!»

* * *

«Ўлди. Кечагина юриб турган одам ўлиб кетаверса-я... Кечқурун кўчага чиқишга қўрқарди раҳматли. Қоронғу ерга қўйдик. Қўрқмаётганмикин?...»

* * *

«Нега метродаги одамларнинг мотам тутаётгандай боши қуйи? Нега автобусга чиқаётган, тушаётган одамлар бир-бирига салом бермайди? Нега...» Биринчи марта қишлоқдан шаҳарга келган одам ҳайрон бўларди.

* * *

Мен ҳеч қачон енгимни симариб юролмайман. Гўё ким биландир жангга, ёқалашувга тайёргарлик кўраётгандай бўлавераман...

Агар милтиқ сотиб олиб, осиб қўйсанг ҳам отилиб кетадигандай туюлади.

* * *

«Севгилинг кетса, куюнма. Вафосиз бўлса, нима бўпти, парво қилма. Мана бу дарахтга қара — шунча баргидан айрилса ҳам, шувиллаб турибди. Кетса кетар, йиғлама. Менми? Менга қарама...»

МУНДАРИЖА

Илтижо 3
Тилсимли дунё 4
Эврилиш 4
Такбир 5
Сочимга оқ тушди 6
Замонавий даҳо 7
Ушшоқ 8
Халқнинг байрами 9
Мувашшаҳ 10
Инсоннинг бахти 10
Мен туғилган кун 11
Ургут ҳақида қўшиқ 12
Туғилган ерларим, туққан элларим 12
Боғда 13
Хаёлпараст учун дарс 14
Дангал хулоса 14
Ўзбекистон, авайлагин болаларингни . . . 15
Қарор 16
Хазонрез 17
Гарсиа Лоркага 18
Оқсарой 18
Қўриқхонада 20
Тоштарош 20
Қабртошга ёзувлар 22
Дафн 23
«Илк қор босган хазонни кечиб» 24

Амирқул Пўлкан 24
Тилак 25
Тўсатдан 26
Волтер 26
Сино 27
Яссавий 28
Паскал 28
Зулфи момо 29
Гўзаллик ҳақида шеър 30
Уйғонч 31
Раққоса 32
Аёл 34
Узр 35
Муҳаббат марсияси 35
Таваккал 36
И. Р.га 37
Гўёки ҳазил 37
Таққослар 38
«Дунё кенг» 39
Ишқинг суратига чизгилар 39
Оқ шеър 40
Гулшананинг таваллудига 41
Бошқаларга насиҳат 42
Ким жавоб беради бизга 43
Иқрор 44
Фироқ туни 44
Балоғатнинг остонасидан репортаж 45
Ошиқона 45
Ўтинч 46
Сизнинг баҳорингиз 46
«Боғларга боқарсан...» 47
Баҳорнинг шеъри 47
Умрим 48
«Кетавергин...» 48
«Қўшиқ айтар дилбар...» 49
Орзу 49

«Кўзакнинг шўх...» 50
«Саволлар...» 50
«Хотиралар...» 51
Тилчининг қайдлари 52
Раҳминг келсин боғларга, ғулим 52
«Яшнаётган гулим, гулшаним...» 53
«Нуроний тарихни титганда гоҳ-гоҳ» 54
Бобораҳим Машраб 55
Раҳмдил 55
Ёзувчилар союзининг мажлисидан сўнг 56
«Серёғду кун кечар...» 56
«Бўрилар...» 57
Диалектика 57
«Кўзларингда илоҳий ўтлар...» 58
Ўн олти ёш 59
Қадимги қўшиқ 60
Қиз боланинг қўшиғи 61
Сўров 62
I. Оқ шом 62
II. Оқшом 63
Севги йўлларида 64
Топишмоқ 64
Достондан сўнг 65
Шеър излаётиб 65
Ушбу шеърни ўқиётганларга 66
Начора 66
Уйғониш 67
Сўнгги автопортрет 68
Ромиз Равшандан
Бироз узун бўлди умрим, шекилли 69
Чиқар 70
Зерикар 71
Қора кийган аёл 71
Фақат сенинг юзинг кулсин 73
Яна илтижо 73
Эртачи хотиралар 75

Литературно-художественное издание

КАРИМ БАХРИЕВ

ОСКОЛКИ ЧАШИ ТЕРПЕНИЯ

Стихи

Художник Г. Герасимова, Г. Бакирова

Ташкент,
издательства Литературы и искусства
им- Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

КАРИМ БАҲРИЕВ

САБР КОСАСИНИНГ СИНИҚЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир *А. Қутбиддинов*
Расмлар муҳаррири *А. Мамажонов*
Техн. муҳаррир *Р. Рахматуллина*
Корректор *Д. Абдуллаева*

ИБ №4427

Босмахонага берилди 11.10.89. Босишга рухсат этилди 23.03.90. Р-08242. Формати $70\times90^1/_{32}$. Босмахона қоғози №2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,92 Шартли кр. оттиск 3,06. Нашр. л 2,92. Тиражи 10000. Заказ 1286/746. Баҳоси 35 т. Шартнома 151—89.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700129. Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида терилиб 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси 1. 1990

Баҳриев К.

Сабр косасининг синиқлари: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990.—80 б.— (Шоирнинг илк китоби).

Сабр — руҳий тарбиянинг асос унсурларидан бири. Лекин шунинг билан бирга сабр сўзи замирида кўнгил тилсими мавжуд. Кўнгил тилсими эса маънавиятимизнинг эътибордан четда қолиб кетган, эзилган, ноҳақ жабрланган жонли ҳолатидир.

Карим Баҳриев ўз мажмуасида мазкур жонли ҳолатларнинг бадиий тасвирини беради. Бу шеърий тасвирлар гоҳ фожиавий, гоҳ аянчли, гоҳ умидли...

Бахриев К. Осколки чаши терпения: Стихи.

Уз2